

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил сентябрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья П.Маматусмонов, судья ёрдамчиси М.Мадумаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўқон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М.Расулова, судланувчи Б.Ҳайдаров ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Мирзаалиев, жабрланувчи Исмоилов Шохжаҳон Абдуҳамид ўғлининг иштирокида, судланувчи Ҳайдаров Жавоҳирбек Бектемир ўғлига оид 1-1503-2304/924-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

Судланувчи Ҳайдаров Жавоҳирбек Бектемир ўғли (Haydarov Javohirbek Bektemir o'g'li), 2002 йил 25 сентябрда Данғара туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, қурилиш ишлари билан шуғулланади, муқаддам судланмаган, Данғара тумани, “Митан” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 18-уйда яшайди, иш бўйича “Шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 15 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзи, судланувчиларнинг музокара ҳамда охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Ж.Ҳайдаров 2023 йил 21 август куни тахминан соат 17:30 ларда жамоат жойи ҳисобланган Қўқон шаҳар, Навбахор кўчасида жойлашган “Ал-Бакир” номли чойхонада безорилик, яъни жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, шу ерда бўлган бир неча шахсларнинг тинчлигини бузиб, ҳаммани ўзига қаратиб, жабрланувчи Ш.Исмоиловни куракда турмас сўзлар билан ҳақорат қилиб ўзининг безорилик ҳаракатларини яққол англаган ҳолда жанжаллашиб, жанжал вақтида ёнида бўлган сариқ рангли очилиб-ёпиладиган пичоқ билан жабрланувчи Ш.Исмоиловни кўкрак қафаси ён соҳасига, чап кўкрак соҳасига ва кўкрак қафаси орқа юзаси кўкрак бўшлиғига бир неча мартаба санчиб қасддан енгил тан жароҳати етказган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 24.08.2023 йил кунидаги 585-сонли хулосасига кўра, Ш.Исмоиловнинг танасидаги жароҳатлари яъни, кўкрак қафаси чап ён юзасида, чап кўкрак соҳасида ва кўкрак қафаси орқа юзасида бўшлиғига тешиб ўтмаган санчилган-кесилган яралари каби жароҳатлари борлиги, ушбу тан жароҳатлари олти кундан ортиқ аммо йигирма



бир кундан кўп бўлмаган муддатга соғлиқни бузилишига олиб келган енгил тан жароҳатлари тоифасига киришлиги аниқланган.

Судланувчи Ж.Ҳайдаров суд мажлисида айбига қисман иқрорлигини билдириб, 2022 йил ноябрь ойидан буён Мадина исмли қиз билан севишиб гаплашиб келиши, 2023 йил 21 август куни соат тахминан 17:00ларда ўзига тегишли бўлган телефон рақамидан Мадинанинг телефон рақамига кўнғироқ қилган вақтида унга нотаниш кейинчалик билишича Шохжаҳон исмли йигит кўтаргани, сўнгра ушбу йигит билан саломлашиб телефон аппаратини эгасига беришини сўраганида у нима қилишини сўраб, сўқиниб ўчириб қўйгани, кейин яна телефон қилиб телефон аппаратини эгасига беришини баландроқ овозда сўраганида кимлигини сўрагани, гаплашиб юрадиган қизи эканлигини айтганида Мадина у билан эканлигини айтгани, ундан Мадина гаплашиб юрадиган қизи бўлса, айтишини сўрагани, шунда у онасидан келиб, уятли сўзлар билан сўқинган вақтида ўзини босиб олишини онасидан сўқинмаслигини, борса хафа қилишини, кимлигини ва қаерда эканлигини сўрагани, шунда ўзини Қўқондан эканлигини, 2001 йил эканлигини айтгани, унга тенгдош эканлигини, онасидан сўқиб қўйганлигини, хафа қилишини айтганида, яна сўқингани, ишхонасида бўлиб туришини ёнига боришини айтгани, сўнгра уйда бўлган ўзига тегишли кичкина сариқ сопли очилиб ёпиладиган пичоғини олгани, ушбу пичоқни ҳар хил вазият бўлиши мумкин деб олгани, сўнг йўловчи машинада Қўқон шаҳар худудида жойлашган “Абу-Бакр” чойхонасига боргани, сўнгра ушбу чойхонага кирган вақтида бир неча хўррандалар ўтирганлигини кўриб, Шохжаҳон кимлигини сўрагани, шунда бир йигит ўрнидан туриб ўзини Шохжаҳон эканлигини айтиб, ёнига қоматини кўрсатиб, қўлини мушт ҳолатда келиб турган вақтида чўнтагида бўлган пичоқчани дастаси ҳамда темир қисмидан ушлаб унга мушт отмоқчи бўлган вақтида қўлида бўлган пичоқча билан унинг елка соҳасига икки маротаба пичоқни тикиб олгани, ошхонага кириб Шохжаҳон кимлигини сўраган вақтида ўрнидан туриб у томонга келаётган вақтида бошқа столда ўтирган йигитлар ҳам унга қараб ўрнидан туришгани, уларни кўриб кўпчилик бўлиб, уриб юборишлари мумкинлигини ўйлаб чўнтагида бўлган пичоқ билан жабрланувчи Ш.Исмоиловга икки маротаба зарба бериб юборгани, шундан сўнг уни шу ердаги бир неча йигитлар ушлаб қўлида бўлган пичоқни ера ташлаб юборишгани, Шохжаҳон эса ошхонада бўлган столни олиб уни уришга ҳаракат қилгани, лекин уни ҳам тўхтатиб ташқарига олиб кетишгани, ундан кечирим сўраши, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик сўради.

Жабрланувчи Ш.Исмоилов суд мажлисида, Қўқон шаҳар, Навбахор кўчасида жойлашган “Ал-Бакир” номли чойхонада иш юритувчи бўлиб ишлаши, 2023 йил 21 август куни чойхонага Мадина исмли қиз официант бўлиб ишга киргани, шу куни Мадина ўзига тегишли бўлган телефон аппаратини қувватлашга қўйишини илтимос қилганида хонадаги стол устига телефон аппаратини қувватлаш учун қўйгани, тахминан соат 14:00 ларда Мадинани телефон аппарати тинмай жиринглаверганидан кейин олиб гаплашгани, гаплашганида кейинчалик билган судланувчи Ж.Ҳайдаров эканлиги, уни кўпол муомала қилиб, телефон эгасини чақиришни сўраганида муомиласини тўғрилаб



олишини, Мадинани чойхонада ишлашини, телефонда гаплашиш мумкин эмаслигини айтгани, судланувчи Ж.Ҳайдаров билан телефонда жанжаллашиб қолиб, чойхонага келаверишини айтгани, шу куни соат 16-00 ларда ишлари билан банд бўлиб турган вақтида судланувчи Ж.Ҳайдаров ошхона ичкарасига кириб келиб Шохжахон ким деб сўрагани, унга Шохжахон ўзи эканлигини айтиб, ёнига яқинлашганида бирданига куракда турмас сўзлар билан ҳақорат қилиб, судланувчи Ж.Ҳайдаров ёнида бўлган сариқ рангли очилиб-ёпиладиган пичоқ билан уни кўкрак қафаси ён соҳасига, чап кўкрак соҳасига ва кўкрак қафаси орқа юзаси кўкрак бўшлиғига бир неча маротаба санчиб олгани, судланувчи Ж.Ҳайдаровни стул билан урмоқчи бўлгани, уларни ошхонада ўтирганлар ажратиб қўйишгани, тан жароҳати олиб шифохонага мурожаат қилгани, судланувчи унинг ҳолидан хабар олмагани, судланувчи Ж.Ҳайдаровга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришини сўради.

Гувоҳ Б.Набиев суд мажлисида, жабрланувчи Ш.Исмоилов жияни бўлиши, Қўқон шаҳар, Навбахор кўчасида жойлашган “Ал-Бакир” номли чойхонада ошпаз бўлиб ишлаши, 2023 йил 21 август куни ишлари билан банд бўлиб турган вақтида чойхонанинг овқатланиш учун мўлжалланган хонасида бақир-чақир овози эшитилгани, зудлик билан ўша ерга етиб борганида миждозлар тўпланиб тургани, жияни Шохжахон кейинчалик билган судланувчи Ж.Ҳайдаров билан тортишиб туришгани, уларни ажратиб жияни Шохжахонни ташқарига олиб чиқиб кетгани, шу вақтда Шохжахонни устки кийимини ён ва орқа қисми йиртилгани ва елка қисми қонаётганини кўргани, уни пичоқланганини билгани, судланувчи Ж.Ҳайдаровнинг қўлида пичоқ бўлгани, уни олиб қўйгани, жияни Шохжахонни касалхонага юборгани, судланувчи Ж.Ҳайдаровни ва ундан олган пиочқни ИИБ ходимларига топширгани ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Ж.Ҳайдаровнинг айби, юқоридагилардан ташқари, жиноят ишида тўпланган далиллар мажмуи, яъни жиноят ишидаги хабарнома (и.в 3), ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тўғрисида баённома ва унга илова қилинган фотолар (и.в 4-8), ашёвий далилни олиш ва кўздан кечириш баённомаси (и.в 9-10), тушунтириш хатлари (и.в 12-20), судга оид тиббий экспертизасининг 24.08.2023 йилдаги 5850-сонли хулосаси (и.в 46-48), сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа асосли далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ж.Ҳайдаровнинг жамиятда юриш туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, жабрланувчи Ш.Исмоиловни уриб, совуқ қурол сиқатида фойдаланиши мумкин бўлган пичоқ билан унга соғлиғини бузилишига олиб келган енгил тан жароҳат етказганликда ифодаланган жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши



ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфилилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига риоя қилишлари лозимлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи Ж.Ҳайдаровга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, юқоридаги қонун ва Пленум қарори талабларига риоя қилиб, Ж.Ҳайдаровнинг содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, унинг шахси, оилавий шароити ҳамда ишдаги бошқа енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлашни ҳамда ЖКнинг 62-моддасига асосан Ж.Ҳайдаровни эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақланган 21.08.2023 йилдан 23.08.2023 йилга қадар бўлган 3 кунини озодликни чеклаш жазосини 3 кунига тенглаштирилиб, ушбу муддатни тайинланган жазодан чегириб, жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, жабрланувчи Ш.Исмоиловнинг судланувчи Ж.Ҳайдаровга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлигини инобатга олишни ҳамда манфаатдор тарафларга иш бўйича келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай маънавий ёки моддий зарар бўйича тегишли тартибда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, жиноят ишида сақланаётган 1 дона пичоқни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи Ҳайдаров Жавохирбек Бектемир ўғли (HAYDAROV JAVOXIRBEK BEKTEMIR O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ж.Ҳайдаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди билан сутканинг соат 22:00 дан соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқишини чеклаган ҳолда 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Ж.Ҳайдаровни эҳтиёт чора тариқасида қамокда сақланган 3 куни озодликни чеклаш жазосини



3 кунига тенглаштирилиб, ушбу муддатни тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун узил-кесил сутканинг соат 22:00 дан соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқишини чеклаган ҳолда 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 27 (йигирма етти) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ж.Ҳайдаровга озодликни чеклаш жазосини Данғара туман, “Митан” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 18-уйда ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида унга қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш) лар ўрнатилсин:

- ҳар ойда бир маротаба Данғара туман ИИБ Пробация бўлими рўйхатдан ўтиб туришлик;

- Данғара туман ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

- Фарғона вилоят ҳудудидан ташқарига чикмаслик каби қўшимча мажбуриятлар юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати судланувчи Данғара туман ИИБ Пробация бўлимида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукми ижро қилиш Данғара туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Ж.Ҳайдаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида кўрсатилган оқибатлари тушунтирилсин.

Ж.Ҳайдаровга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Ш.Исмоиловнинг моддий ва маънавий зарарлар бўйича судланувчига нисбатан даввоси йўқлиги инобатга олинсин.

Манфаатдор тарафларга иш бўйича келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай маънавий ёки модда зарар бўйича тегишли тартибда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона пичоқ ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида мазкур суд орқали Фарғона вилоят судининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи**

**П.Маматусмонов**

